

Муфтий ҳазрат Қирғизистон уламолар кенгаши раисини қабул қилдилар



17:28 / 28.11.2023 1367

Бугун, 28 ноябрь кунини Ўзбекистон мусулмонлари идорасини раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Қирғизистон мусулмонлари диний бошқармасини Уламолар кенгаши раиси Абдиманап Масалиев бошчилигидаги делегацияни қабул қилдилар.

Мулоқот аввалида Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари муҳтарам меҳмонларни юртимизга ташрифи ва халқаро анжуманлардаги фаол иштироки учун миннатдорлик билдириб, бугунги мураккаб замон Ислон олами, хусусан, туркий давлатлар диний идоралари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашни тақозо этаётгани, бу борада кейинги йилларда диндош ва қардош ўзбек ва қирғиз халқлари уламолари ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани, айниқса, айрим фатволарни биргаликда ишлаб чиқиш ва ҳайит намозлари вақтини белгилаш масалалари бунга мисол эканини

алоҳида таъкидладилар.





